

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

“КЕЛИШИЛДИ”

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги



2020 йил

“ТАСДНҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Миллий Университети  
ректори  
А.Р. Мираҳимов



2020 йил

**5210100 - Социология таълим йўналиши негизидаги:**

- 5A210101 - Социология (йўналишлар бўйича),
- 5A210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги

магистратура мутахассисликларига қирувчилар учун махсус  
(ихтисослик) фанларидан

**ДАСТУР**

Тошкент – 2020

## **Аннотация**

Дастур 5A210101 - Социология (йўналишлар бўйича), 5A210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги магистратура мутахассислигига кировчилар учун 5210100 - Социология таълим йўналишининг 2016/2017 ўқув йилида тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилган.

### **ТУЗУВЧИ:**

Каланов К.К. – ЎзМУСоциология кафедраси мудири, с.ф.н., профессор.

Дастур Ижтимоий фанлар факультетининг 2020 йил 23 июндаги № 10 сонли Кенгаши йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган.

## КИРИШ

5210100 – Социология бакалавриат таълим йўналиши – ижтимоий фанлар тизимида таълим ва касб соҳаси нафақат назарий ёндашувлар ва ғоялар балки амалий тадқиқотнинг устуворлиги билан бошқа таълим йўналишларидан ажралиб туради. Бу ҳолат социология соҳаси профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнида машғул бўлган профессор-ўқитувчилар ва бўлажак социолог - талабалардан назарий ва амалий машғулотларнинг уйғунланишига илмий ёндошиш ва мустақил таҳлил қилиш маҳоратини эгаллаш талабини кўяди. Ушбу долзарб вазифани рўёбга чиқарилиши бўлажак социология ходимларининг мазкур соҳа амалиётида талаб этилувчи билимларни эгаллашлари ва зарурий кўникмаларни ҳосил қилишларига боғлиқ.

Таълим йўналиши негизидаги мутахассисликларнинг вазифаси - талабаларнинг ижтимоий ҳаёт ва жараёнларнинг турли йўналишлардаги назарий-методологик асослари йўналишида билимларини чуқурлаштириш, шахс ва унинг ижтимоийлашув жараёни, социал гуруҳлар таснифи, жамият аъзоларининг ижтимоий мавқеси, ижтимоий-сиёсий жараёнлар маълум бир қонуниятлар асосида кечиши, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларнинг ўзаро боғлиқликда эканлигини яхлит идрок этиши ҳамда жамият ривожининг асосий омилларини таснифлай олишни, турли ижтимоий-маданий хусусиятда кечаётган ҳодисаларни холис қиёсий таққослаш, замонавий жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммолардан устуворларини аниқлаш ва уларни объектив таҳлил қилиш, муайян ҳодиса ва воқеаларга кишиларнинг шахсий муносабатларини ўрганишга қаратилган эмпирик тадқиқотларда иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ўтказилган амалий натижаларидан фойдалана олиш ҳамда илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билимларини ошириш ва кўникма ҳосил қилишдан иборатдир.

5210100 – Социология таълим йўналиши негизидаги 5A210101 - Социология (йўналишлар бўйича), 5A210102 - Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлигимагистратура мутахассислигига кирувчи талабалар учун таълим йўналиши ўқув режасига асосан 11 та умумқасбий фанлари “Умумий социология”, “Социологик тадқиқотларнинг методологияси, методи ва техникаси”, “Ташкилот ва бошқарув социологияси”, “Жамоатчилик фикри социологияси”, “Ижтимоий антропология”, “Маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш”, “Шаҳар ва қишлоқ социологияси”, “Иқтисодий социология”, “Меҳнат социологияси”, “Ижтимоий статистика”, “Ҳуқуқ социологияси”, 5 та ихтисослик фанлари “Ёшлар социологияси”, “Дин социологияси”, “Маданият социологияси”, “Конфликтлар социологияси” ва “Оила ва гендер социологияси” фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

## Умумий социология фанидан

Социологиянинг жамият ҳаётидаги ўрни, функциялари, аҳамияти тўғрисида батафсил маълумот бериш, замонавий ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ходиса ва жараёнларини илмий тушуниш, амалий фаолиятда социологик билим ва методлардан фойдаланиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фаннинг вазифаси унинг объекти, предмети, асосий тушунча ва категорияларини моҳиятини тушунтириш, замонавий социологиядаги асосий мактаб ва йўналишлар билан таништиришдан иборатдир. Социология фанининг асосий қонун ва тамойиллари умумий ва хусусий жиҳатларини кўрсатиб беришга қаратилиб, у амалий социологик тадқиқот методлари ва дастури тўғрисида муайян тасавур уйғотиш, социал структура, социал стратификация, социал мобилликнинг моҳияти ва мазмунини очиқ бериш орқали талабаларга жамиятда бўлаётган социал жараён ва ходисаларни илмий таҳлил этиш заруриятини сингдиришга қаратилади.

Антик даврнинг қомусий олимлари ва Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий таълимотлари (Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Ҳалдун ва бошқалар) замонавий социологиянинг муҳим манбалари сифатида. Социология фанининг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-назарий шарт-шароитлар. Социология вужудга келишининг тарихий шароитлари XIX аср бошларида капитализм ривожланиши.

XIX аср бошларидаги Ғарб жамиятшунослигида ривожланиш ғояси. Қиёсий тадқиқот усуллариининг шаклланиши. Эмпирик социал тадқиқотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишининг объектив зарурияти. Социология шаклланишининг илк асосий босқичлари: позитив-натуралистик, психологик. О.Конт ва унинг тарихий тараққиёт, ижтимоий турғунлик ва ижтимоий ўзгарувчанлик қонунлари ҳақидаги позитивистик таълимоти. Э.Дюркгеймнинг социологик таълимоти, социологиянинг предмети ва структураси ҳақидаги ғоялари. М.Вебернинг социологик таълимоти ва методологик ғоялари. Г.Зиммелнинг формал социологияси.

О.Конт – позитив социологиянинг асосчиси, унинг социологияни мустақил фан сифатида яратишдаги дастлабки режалари. Ғарб социологияси классиклари: М.Вебер, Э.Дюркгейм, Г.Спенсер, В.Паретова бошқа мутафаккирларнинг ишларида социологиянинг объекти ва предмети муаммоси. Социологиянинг объекти ва предмети муаммоларини ечишнинг ўзига хослиги. Социологиянинг объекти ва предмети муаммосини ечиш йўлидаги турли йўналишларидаги ғоявий-назарий изланишлар. Социологиянинг объекти ва предметини таърифлашдаги энг янги тенденциялар. Социологиянинг объекти ва предмети муаммосини комплекс тарзда ечишга уринишлар.

XX асрнинг биринчи чорагидаги ғоявий-назарий ва ижтимоий сиёсий реформизм, социологияда гуманистик тенденцияларнинг кучайиши.

Неопозитивизм социологиясининг (структур функционализм, бихевиоризм, эмпиризм) шаклланиши. Социологиянинг назарий фундаментал муаммоларига қайтиши ва фалсафага асосланиши ва ҳамда инсон муаммоси масаласига қизиқишнинг ошиши. Экзистенциал, феноменологик, реалистик социология ривожланишининг янги йўналишлари сифатида

Социологияни мустақил фан сифатида шаклланишига бошқа фанлар таъсири. Социология ва фалсафа. Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Марказий Осиё мутафаккирлари фалсафий таълимотида жамият ва унинг муаммолари ҳақидаги қарашлар. Социологик муаммоларни таҳлил этишда фалсафа фани қонун ва категорияларининг аҳамияти. Фалсафий назарияларнинг такомиллаштиришда аниқ социологик тадқиқотларнинг ўрни. Социология ва табиий фанлар. «Бир омил позитивистик-натуралистик мактаблар» назарияларининг социология ривожига таъсири. Социология ва психология, демография, генетика, социал география. Социология ва аниқ фанлар. Социологик тадқиқотлар ва математика фани алоқадорлиги. Социология ва статистика. Социологиянинг фанлар тизимида умумдисциплинар фан сифатида тутган ўзига хос ўрни.

### **Социологик тадқиқотларнинг методологияси, методи ва техникаси фанидан**

Метод ҳақида умумий тушунча. Умумилмий методлар (индукция, дедукция, анализ, синтез, тарихийлик, қиёсий эксперимент, кузатиш, гипотезалар тузиш ва бошқалар) ҳамда уларни социологияда қўллашнинг ўзига хослиги. Махсус-социологик ва эмпирик методлар. Баҳолаш мезонлари: репрезентативлик, мосланганлик, валидлик, уларнинг билиш жараёнидаги ўрни. Социологик маълумотларни тўплаш методлари: сўров, кузатиш, социал эксперимент, хужжатларни ўрганиш. Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш методлари: гуруҳлаш, шкалалаштириш, корреляциялаш ва бошқалар. Социологияда математик методлар, уларнинг ўзига хосликлари ва қўлланиш соҳалари.

«Метод», «техника», «процедура» тушунчалари. Саволларнинг мантикий занжири: Нимани ўрганади? Нега ва қайси мақсадларда ўрганади? Қаерда ва қайси шароитларда ўрганади? Қандай воситаларда ўрганади? Социологик тадқиқотларда модел. Социологик тадқиқот дастури: муаммо, мавзу, объект, предмет, мақсад, вазифа, гипотеза, режа. «асосий мажмуа», «танланган мажмуаси». Танлов турлари: тасодифий, кластер (кўп босқичли), «қор уюми», квотали. Танловнинг ҳисоб услублари. Шкалалар. Шкала турлари: номинал, тартибли, метрик.

Социологик тадқиқотда маълумотлар йиғиш методлари. Кузатиш ва унинг классификацияси: назорат этиладиган ва этилмайдиган: ҳамкорликдаги ва оддий; дала ва лабораторияли. Сўров методива унинг турлари: анкеталаштириш, интервью. Экспресс-сўров. Фокус гуруҳлар. Хужжатларни ўрганиш методлари. Контент-таҳлил. Автобиографик метод. Эксперимент методи ва унинг турлари.

Социологик тадқиқот этаплари. «Пилотаж тадқиқот» тушунчаси. Маълумотларни қайта ишлаш. Маълумотларни дастлабки таҳлили. Маълумотларни шарҳлаш. Гуруҳларга ажратиш. Ўзгарувчиларини яратиш. Шкалалаштириш. Ўртача тенденция кўрсаткичлари. Мода. Медиана. Дисперсия. Маълумотларни математик-статистик таҳлили. Таблицы, график, диаграмма тузиш. Олинган маълумотларни интерпритация ва таҳлил қилиш. Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш.

### **Ташкилот ва бошқарув социологияси фанидан**

Ташкилот социологияси социологик назария сифатида. Социал ташкилотнинг объекти ва предмети. Социал ташкилотнинг вазифалари. Социал ташкилотнинг структураси ва асосий соҳалар бўйича йўналишлари. “Ташкилот” тушунчаси бўйича турли социологик мактабларни таърифлари ва қарашлари. Ташкилот социологиясининг тадқиқот методлари: вазиятли-факторли, қиёсий таҳлил, статистик ёндашув. Социал ташкилот ва бошқа фанлар: иқтисод, менежмент, психология, техник фанлар. Ташкилий жараёнлар инсонлар бирлигининг асосий омили сифатида. Инсон ташкилотларининг ҳайвонларни ташкилотларидан асосий фарқлари (қушлар, майда ҳашоратлар уюшмаси мисолида). Табиий ташкилотлар ва уларнинг асосий белгилари. Сунъий ташкилотлар. Сунъий ташкилотларнинг структураси. Сунъий ташкилотларнинг чизмаси.

Прагматизм. Динамик жараёнлар ва ташкиллаштириш усуллари. Прагматизмнинг фалсафий ва социал моҳияти. Таҳлилий фалсафа. Замонавий ташкилий назариялар ва уларга танқидий фалсафа томондан баҳо бериш. Таҳлилий фалсафа. ташкилий назариялар ва уларни юзага келтиришда инструментал воситалар. Ташкилотни фалсафий фундаментал методологияси асосида тасвирлаш ва қайта баҳолаш методлари. Кундалик вербал алоқалар ва уларнинг социал ташкилотда намоён бўлиши. Назарий мулоҳазаларда фойданалиладиган тил, расмий ва норасмий мулоқот.

Социал ташкилот бўйича назариялар тарихи. Ф.Тейлорнинг рационализация назарияси. А.Файолнинг бошқарувга хос административ назарияси. М.Вебер ташкилот назариясининг классик асосчиси сифатида. Э.Мейонинг инсонларнинг ўзаро муносабатлари назарияси. А.Маслоунинг иерархик назарияси. Д.Магрегорнинг бошқарув стиллари назарияси. А.Пригожиннинг бошқарув ечимлари тўғрисидаги назарияси.

Классик назариялар ва ёндашувлар, замонавий назариялар, постмодерн назариялар. Аристотелизм ва неоаристотелизм. жамоатчиликнинг рефлексивлиги тушунчалари, Макинтайрнинг назарияси. “Товар-муассаса” тушунчаси ташкилий назария ва ташкилий этика. Феноменология ва ташкилий назариялар.

Ташкилотлар структуравий тузилишининг асосий белгилари. Социал ташкилот тузилишини аниқлаш: меъёрий ва далилий ижтимоий тузилишлар. Ташкилот структурасининг ижтимоий тузилиши. Ташкилот мақсадлари, уларнинг кўринишлари ва вазифалари. Мақсадалар кўринишлари: мақсадлар

- ташкиллаштирилган, мақсадлар - тартиблаштирилган, мақсадлар - вазифалаштирилган, мақсадлар - йўналтирилган, мақсад - тизимлар. Ташкилий технологиялар. Ташкилотлар аъзолари. Ташкилот маданияти. Ташқи қатлам. Ташкилот типологияси

“Бошқарув” тушунчаси. Ижтимоий бошқарув ва унинг асосий белгилари. Бошқарувнинг асосий даражалари: юқори қатлам, ўрта қатлам, паст қатлам. Ташкилот структурасининг асоси кўринишлари: чизикли, штабли бошқарув, бошқарувнинг моддий структураси, структурани ташкил қилиш.

Ташкилотларда назорат. Ташкилотларда назорат тушунчасининг моҳияти. Назорат тушунчаси. Назорат кўринишлари: оддий, структуравий, техник, бюрократитик. Гуруҳий нормаларга ижтимоийлашув усули орқали назорат. Ижтимоийлашув жараёнини жорий қилиш босқичлари. Гуруҳий таъсир орқали назорат қилиш. Мажбурлаш орқали назорат: куч ишлатиш, куч ишлатмасдан таъсир қилиш. Коммуникациянинг ташкилотлардаги ўрни. Ташкилотни унумли ташкил қилиш жараёнида коммуникация алоқаларини ташкил қилиш. Коммуникация жараёнинин ташкил қилишда тамойил модели Г.Лассуэлнинг модели, К.Шеннон ва У.Уиверо, В.Шрам модели, тизимлар таҳлили модели. Коммуникация каналлари: вертикал каналлар, горизонтал каналлар, расмий ва норасмий каналлар.

Ҳокимият асосий таъсир этувчи омил сифатида: куч, таъсир ва авторитет. Ҳокимият таъсири усуллариининг ўзаро муносабатлари. Ҳокимият ва ижтимоий иерархия. Ҳокимият масаласидаги низолар. яширин ҳокимият классификацияси: анъанавий,легал ва харизматик.

“Бюрократия” тушунчаси. Бюрократиянинг ижтимоий табиати ва вазифалари. Бюрократиянинг тарихий кўринишлари. Бюрократия ҳақида социологлар. Бюрократиянинг салбий ва ижобий хусусиятлари. Бюрократизм ижтимоий муаммо сифатида. Социал ташкилотда бюрократия назариясининг ўрни.

Персонални бошқариш. Персонални бошқаришнинг мақсади. Персонални бошқаришнинг вазифаси. Ходимларни режалаштириш мақсади ва вазифалари. Персонал билан ишларни бошқариш тизимида ходимларни режалаштиришнинг ўрни. Персоналлар билан ишлашнинг тезкор режаси. Персонални бошқариш тизимида кадрларни жалб қилиш ва танлашнинг ўрни. Иш ўринларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш. Таҳлил усуллари. Касбий талабларни аниқлаш ва лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Персонални жалб қилишнинг ички ва ташқи манбаалари. Жалб қилиш манбааларининг афзалликлари ва камчиликлари. Номзодларни танлаш. Танлаш усуллари: анкета маълумотларини таҳлил қилиш, суҳбатлашиш, тестдан ўтказиш.

Ишлаб чиқариш кучлари. Раҳбар ва хизматчилар. Персоналдан фойдаланишнинг моҳияти. Персоналдан оқилона фойдаланишнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари. Иш ўринларини ўзгаришининг асосий сабаблари. Кадрлар ротацияси. Персонални ишдан озод қилиш жараёни. Ишдан бўшатишнинг турлари: ходим ташаббуси билан, маъмуриятнинг ёки

иш берувчининг ташаббуси билан, пенсияга чиқиш муносабати билан. Персонални ишдан озод қилиш бўйича тадбирлар тизими.

### **Жамоатчилик фикри социологияси фанидан**

Жамоатчилик фикри социологияси фани ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд ижтимоий воқеликка нисбатан баҳоловчи муносабатининг шаклланиши ва амал қилиши қонуниятларини ўрганувчи фандир. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Жамоатчилик фикри социологияси фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Жамоатчилик фикри социологияси фани ўзининг аниқ ва конкретлиги, зиммасидаги масалаларга берадиган илмий жавоблари атрофлича асосланган, қайта-қайта текширилганлиги билан ҳам қимматлидир. Бу фан фақат ҳозирги ижтимоий ҳолатлар аҳволига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, ижтимоий ҳолатларнинг истиқболий ўзгариши даражаси хусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан жамоатчилик фикри социологияси фанининг амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

Жамоатчилик фикри структураси, унинг шаклланиш омиллари, функционаллашув қонун-қоидалари ва ҳозирги замон жамиятида жамоатчилик фикрининг роли ҳақидаги назарий билимларни шакллантиришга, шунингдек, олинган билимларни келажак касбий фаолиятларида амалий тайёргарликка қаратилган.

Фаннинг вазифалариталабаларда жамоатчилик фикри замонавий концепциялари тушунчаларини шакллантириш; жамоатчилик фикрини тадқиқ этишнинг социологик дастурлари методикасини ишлаб чиқиш; оммавий сўровларни ўтказишнинг амалий кўникмаларини мукамаллаштиришдан иборат.

“Жамоатчилик фикри социологияси” фанининг ўзига хос сўзлари, атамалари, ривожланиш йўналишлари, бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида тасаввурга эга бўлиши керак. “Жамоатчилик фикри социологияси” фани асосини, долзарб муаммоларини билиши; социал муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши керак.

Жамоатчилик фикри ва социология. Жамоатчилик фикри социологияси фан сифатида. XX асрнинг 2-ярмида жамоатчилик фикри социологиясининг ривожланиши. Жамоатчилик фикри социологиясининг мақсад ва вазифалари. Жамоатчилик фикри социологиясининг объекти. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг ижтимоий аҳамияти. Жамоатчилик фикри социологиясининг долзарб масалалари. Жамоатчилик фикри социологияси предмети таҳлили. Жамоатчилик фикри социологиясининг бошқа ижтимоий фанлар билан алоқадорлиги. Ҳозирги кунда жамоатчилик фикри социологиясининг назария ва амалиётнинг умумий таснифи.



Антик даврда жамоатчилик фикри феномени. Ўрта асрларда жамоатчилик фикри тўғрисидаги қарашлар. Англияда XII асрда Ж.Солсбери томонидан “жамоатчилик фикри” тушунчасининг илк маротаба қўлланилиши. XVII-XIX жамоатчилик фикри тушунчасининг оммавийлашуви. Янги давр жамоатчилик фикри роли ва моҳияти ҳақида. Гегель жамоатчилик фикри ҳақида. Жамоатчилик фикри тушунчасининг социологик моҳияти. Мумтоз назариялар. Социал-психологик йўналиш назариялари. Ҳуқуқий йўналиш назариялари. Жамоатчилик фикрининг замонавий назариялари.

Жамоатчилик фикри структураси. Жамоатчилик фикрининг моҳияти – баҳоловчи, аналитик ва конструктив нуқтаи-назарлар. Жамоатчилик фикрининг белгиси – позитив ва негатив фикрлар. Жамоатчилик қизиқиши, уни кўп томонлама талқин этиш.

Жамоатчилик фикри объекти ва субъекти. Жамоатчилик фикри объекти мезонлари. Жамоатчилик фикри субъекти – социал жамоалар. Жамоатчилик фикри структураси: монистик, бирфикрлилик, фикрларнинг турлитуманлиги, уларни белгиловчи омиллар. Жамоатчилик кайфияти социал психологик ҳодиса сифатида. Ижтимоий онг кишиларнинг дунё билан ва ўз-ўзи билан муносабатларининг маънавий воситалар тизими сифатида. Жамоатчилик фикрини ўрганишда ёндашувлар хилма-хиллиги.

АҚШда сайлов кампаниялари даврида жамоатчилик фикрини ўрганишнинг йўлга қўйилиши. XX аср бошларида газета ва журналларнинг мунтазам тарзда жамоатчилик фикри сўровларини ўтказиши. Маркетинг тадқиқотларининг авж олиши. Э.Роуперт ва Америка жамоатчилик фикри институти (Ж.Гэллапнинг 2 йиллик тажрибаси асосида) ташкил топиши. “Гэллап интернешнл” халқаро тадқиқотлар институтининг шаклланиши. Чикаго университети қошида ташкил топган АҚШ жамоатчилик фикри сўровлари миллий маркази (NORC). Л.Харрис жамоатчилик фикрини ўрганиш фирмаси. Д.Янкеловичнинг нотижорат жамоатчилик фикрини ўрганиш хизмати.

Германияда Э.Ноэль ва Э.Нойманлар томонидан ташкил этилган Демоскопия институти. Францияда илк жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (Зондаж). Буюк Британия ва Японияда жамоатчилик фикри сўровлари хизматларининг ўзига хос жиҳатлари.

Умумроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (ВЦИОМ). “Жамоатчилик фикри” жамғармаси. Россия жамоатчилик фикри ва бозор тадқиқотлари мустақил институти (РОМИР).

Ўзбекистонда “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг фаолияти. “Ижтимоий фикр” марказининг илмий тадқиқот ишлари, комплекс ва мақсадли социологик тадқиқотлари. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмлари ва социологик тадқиқотлар таснифи. Социологик фан воситаларини қўллайдиган нодавлат ташкилотларнинг иш фаолияти. “Ижтимоий” фикр журналининг мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистонликнинг социал қиёфаси.

Жамоатчилик фикрини социал институт сифатида намоён қилувчи белгилар. Жамоатчилик фикрининг асосий ва иккинчи даражали функциялари. уларнинг ўзаро алоқадорлиги. Жамоатчилик фикрини ўрганишга методологик ёндашувлар.

Социологик маълумотларни таҳлил қилиш тамойиллари. Маълумотларни тавсифлаш. Ижтимоий ахборотларни гуруҳлаш: эклектик ва органик гуруҳлаш. Ўзгарувчиларни тузиш. Бир ўлчовли ва кўп ўлчовли таҳлил. Частотали тақсимланиш. Шкалалаш ва шкалалар турлари: номинал, даражали, оралик, пропорционал. Рангли, интервал шкалалар, ўз-ўзини баҳолаш шкаласи, Богардус шкаласи. Маълумотларни таҳлил қилишнинг математик-статистик усуллари: омиллар бўйича, дисперсиявий, регрессиявий ва корелляциявий таҳлиллар, гуруҳлаш усуллари. Таҳлилий ҳужжат ва унинг тузилиши.

### **Ёшлар социологияси фанидан**

Ёшлар социологияси мустақил ижтимоий фан сифатида ўз методологияси ва назариясига эгадир. Ёшлар социологияси фани умуминсоний ва миллий кадриятлар мутаносиблигига таянувчи методология асосида иш юритади.

Фан дастурининг мақсади – талабаларни ёшлар социологияси мутахассислиги фани бўйича таништириш. Фаннинг асосий йўналишлари ва тармоқлари бўйича таърифи, объекти ва предмети.

Ёшлар социологияси фанининг ўзига хос сўзлари, атамалари, ривожланиш йўналишлари, бугунги аҳволи ва истиқболи хусусида тасаввурга эга бўлиши керак.

Ёшлар социологияси фани объекти ва предмети, унинг структураси ва фанлар тизимидаги ўрни; ёшларни ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганиш спецификасини; ёшлар социологиясининг социологик билимлар тизимида ўрни; ёшлар сиёсатининг ўзига хос ҳудудий хусусиятларини; ёшларнинг меҳнат ориентацияларини билиши лозим.

Замонавий жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисаларда ёшларнинг сиёсий маданияти ва тафаккурини тўғри тавсифлай олиш; ёшлар ҳаётида турли ижтимоий-маданий хусусиятда кечаётган ҳодисаларни ҳолис қиёсий таққослай олиш; замонавий жамиятдаги ёшларнинг мавжуд ижтимоий муаммоларидан устуворларини аниқлаш ва уларни объектив таҳлил қила олиш; ёш ҳаётига оид муайян ҳодиса ва воқеаларни ўрганишга қаратилган тақиқотларда иштирок этиш; ёшларга оид ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларда ўтказилган амалий социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши лозим.

### **Ижтимоий антропология фанидан**

Инсонларнинг тарихий тараққиёт давомида феъл-атворлари, маданиятини сақланиб қолган ва археологик қазишмалар натижасида топилган маданий буюмлар ўрганилиши, инсонни вақт ва макон изнида

ўрганиш: эволюция, ирсият, инсоннинг такомиллашуви ҳамда ривожланиб бориши муаммолари. Ижтимоий (маданий) антропологиянинг объекти бўлган инсонлар гуруҳларининг ўзаро яқин турмуш тарзи, маълум ҳудудда биргаликда ҳаёт кечириши, ягона сиёсий тизимга мансублиги, умумий маданияти, тили ва х.к.лар бирлаштирилиши батафсил баён этилади. Ижтимоий антропология объекти, предмети ва вазифаси. Ижтимоий антропология ижтимоий-гуманитар фанлар соҳа тизимида.

Ижтимоий-маданий антропология фанида назариялар. Антик давр ва қадимги Шарқ давлатларида антропологик назариялар. Ўрта аср Овропада антропологик назария. XIX аср боши ва XVI асрда Эволюционизм. Диффузионизм. Социологик ва психологик йўналишлар. Функционализм ва структурализм. «Шахс ва маданият» мактаби. Постмодернизм. Социал антропологияни тадқиқ этиш усуллари. Этнографик дала тадқиқотлари. Тадқиқот усуллари. Қундалик ҳаётда иштирок. Дала тадқиқотларининг бошланиши. Кузатиш ва рўйхатга олиш. Иштирокчи кузатиш, маданий экология ва дала ишлари этикаси. Хужжатлаштирилган кузатиш. Ҳодисаларни рўйхатга олиш. Этнографик тасвир. Кузатув иштирокчисининг валидлиги ва ишонччилиги. Сўров. Маданият ривожининг асосий босқичлари ва қонуниятлари. Маданият авлодлар ўртасидаги ижтимоий боғланишнинг муҳим халқаси. Маданий даврлар тушунчаси. Ибтидоий жамиятнинг шаклланиши ва социал тузилиши. Тарих ва маданият типларининг минтақалаштирилиши. Маданият ва цивилизация. Моддий ва маънавий маданият. Маънавий маданиятнинг таркибий тузилиши. Антропологиянинг йўналишлари. Этнос ва антропогенез. Этнос ва этниклик муаммосининг замонавий фандаги талқини, этнос структураси (тузилмаси). Этник мансублик, ўзликга муносабат, примордиализм, инструментализм, конструктивизм каби энг янги назария ва ғоялар тавсифи. Ҳозирги замон палеантропологияси ибтидоий одамнинг морфологик эволюцияси ҳақида (Afarensis, Afrikanus, Robustus, Homo Habilis, Homo Erectus, Homo Sapiens). Инсоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар. Замонавий инсоннинг шаклланиши омиллари. Оннинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид фаразлар. Антропологияда сиёсий тизимлар ва сиёсат. Политогенез назариялари. Америка неоэволюционизми. Британия функционализми. Сиёсий макон ёки (ижтимоий боғликлик) назариялари. Француз структуризми.

### **Социология тарихи фанидан:**

Социология тарихи фани предмети. XIX аср бошларида капитализмнинг ривожланиши. А.Сен-Симоннинг социологик қарашлари. Ижтимоий ислохотлар тўғрисида. Социология фанининг вужудга келишининг ижтимоий-иқтисодий, табиий-илмий ва ғоявий-назарий заминлари. Социологиянинг мустақил фан сифатида шаклланишининг объектив зарурияти.

Социологик назариялар тараққиётига социал кучлар таъсири: сиёсий инқилоблар, саноат тўнтарилиши ва капитализмнинг ривожланиши, феминизм, урбанизация, диндаги ўзгаришлар, фаннинг ўсиши.

Интеллектуал кучлар ва социология тараққиёти: Маърифатчилик, Маърифатчиликка консерватив муносабат. Францияда, Германияда, Англияда, Италияда социологиянинг ривожланиши.

О.Конт (1798-1857) ҳаёти ва фаолияти. О.Конт томонидан социология фанига асос солиниши. О.Конт позитив методи (ижобий усули) нинг моҳияти. О.Контнинг фанлар классификацияси ва унда социологиянинг ўрни. Социал динамика ва социал статика. Социологиянинг методлари. Позитив сиёсат. О.Конт таълим ва тарбия муаммолари ҳақида. Уч босқич қонуни – О.Конт социологиясининг асосий қонуни. Социология тарихида О.Конт таълимотининг ўрни ва аҳамияти.

Г.Спенсер (1820-1903) ҳаёти ва ижоди. Г.Спенсер назарий таълимотининг асосий ғоялари. Жамият организм эканлиги ва эволюция умумий ривожланиш қонуни ғояси. Ижтимоий ва биологик организм ўхшашлиги ва улар ўртасидаги тафовутлар. Спенсер бир хилликдан кўп хилликка, оддийдан мураккабга ўтувчи эволюция қонуни тўғрисида. Эволюция қонуниятли дифференциация ва интеграция жараёни сифатида. Г.Спенсернинг тарихий концепцияси, ҳарбий ва саноатлашган жамият турларининг фарқланиши. Замонавий жамият ривожидида Г.Спенсер қарашларининг аҳамияти.

Умумий тавсифнома. Жамиятшуносликнинг ривожланган табиатшунослик соҳаларидан назарий модел ва намуналарни ўзлаштириши. Ч.Дарвин таълимотининг ижтимоий тафаккурга таъсири. Асосий йўналишлари: механик мактаб, географик мактаб, ирқий-антропологик мактаб, биоорганик мактаб, социал-дарвинизм мактаби. А.Смолл ва У.Самнернинг социологик қарашлари. Л.Гумплович ва Г.Ратценхофернинг социал-дарвинистик қарашлари. Эволюционизм – ижтимоий ҳодисаларни таҳлил этувчи методология ва унинг заиф томонлари.

Ижтимоий ҳаётни биологик воситасида тушунтиришдан қониқмаслик ва социологиянинг руҳият томон бурилишга интилиши. Психологизм XIX аср охири XX бошларидаги ижтимоий фанларнинг умумий йўналиши сифатида. Халқлар психологияси. Г.Тарднинг (1843-1904) тақлид назарияси. Г.Лебоннинг (1841-1931) гуруҳ психологияси. Ф.Гиддингс (1855-1931) ва унинг асосий асарлари. У.Мак-Даугаллнинг (1871-1938) инстинкт психологияси. Ч.Кулининг (1864-1929) социал-психологик таълимоти.

З.Фрейд (1856-1939) ва унинг руҳий таҳлил таълимоти. Англинмаганлик назарияси: одам ҳақида билимлар. Назариянинг асосий тушунчалари: “четлантириш”, “симптомлар”, “сублимация”, “либидо”, “ҳимоя механизмлари” ва уларнинг психология ривожидидаги роли. Одамдаги рационаллик ва иррационаллик хусусиятлари. З.Фрейднинг социал пессимизми. Эгоистик майлларнинг социал ҳиссиётларга айланиши. З.Фрейднинг психологик редукционизми.

Ф.Тённиснинг (1855-1936) немис мумтоз социологияси вакили сифатида. Ф.Тённиснинг ҳаёти ва ижоди. Ф.Тённиснинг социологик ижоди. Ф.Тённис социологиянинг предмети сифатида. Социал ҳаёт шакллари тўғрисидаги таълимот. “Жамоа ва жамият” – Ф.Тённиснинг асосий асари. Жамоа ва жамиятни фарқловчи икки ирода хусусиятлари. Социология ва сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида. Ф.Тённис томонидан эмпирик тадқиқотларнинг олиб борилиши. Ф.Тённис социологик таълимотининг аҳамияти.

Г.Зиммель (1858-1918) ҳаёти ва ижоди. Унинг социологик концепциясининг фалсафий ва методологик принциплари. Г.Зиммель тадқиқотларининг асосий муаммолари. Социологиянинг априор тарзда амал қилувчи фан эканлиги. Социология предмети. Социал гуруҳларнинг барқарорлиги. Зиммелнинг тарихий ривожланиш концепцияси. Г.Зиммель томонидан маданият муаммолари ечимининг ишлаб чиқилиши. Зиммелнинг мода социологияси. Г.Зиммель социологиясининг унинг замондошлари томонидан баҳоланиши.

### **Ташкилот ва бошқарув социологияси фанидан:**

Ташкилот социологияси социологик назария сифатида. Социал ташкилотнинг объекти ва предмети. Социал ташкилотнинг вазифалари. Социал ташкилотнинг структураси ва асосий соҳалар бўйича йўналишлари. “Ташкилот” тушунчаси бўйича турли социологик мактабларни таърифлари ва қарашлари. Ташкилот социологиясининг тадқиқот методлари: вазиятли-факторли, қиёсий таҳлил, статистик ёндашув. Социал ташкилот ва бошқа фанлар: иқтисод, менежмент, психология, техник фанлар. Ташкилий жараёнлар инсонлар бирлигининг асосий омили сифатида. Инсон ташкилотларининг ҳайвонларни ташкилотларидан асосий фарқлари (қушлар, майда ҳашоратлар уюшмаси мисолида). Табиий ташкилотлар ва уларнинг асосий белгилари. Сунъий ташкилотлар. Сунъий ташкилотларнинг структураси. Сунъий ташкилотларнинг чизмаси.

Прагматизм. Динамик жараёнлар ва ташкиллаштириш усуллари. Прагматизмнинг фалсафий ва социал моҳияти. Таҳлилий фалсафа. Замонавий ташкилий назариялар ва уларга танқидий фалсафа томондан баҳо бериш. Таҳлилий фалсафа. ташкилий назариялар ва уларни юзага келтиришда инструментал воситалар. Ташкилотни фалсафий фундаментал методологияси асосида тасвирлаш ва қайта баҳолаш методлари. Кундалик вербал алоқалар ва уларнинг социал ташкилотда намоён бўлиши. Назарий мулоҳазаларда фойданалиладиган тил, расмий ва норасмий мулоқот.

Социал ташкилот бўйича назариялар тарихи. Ф.Тейлорнинг рационализация назарияси. А.Файолнинг бошқарувга хос административ назарияси. М.Вебер ташкилот назариясининг классик асосчиси сифатида. Э.Мейонинг инсонларнинг ўзаро муносабатлари назарияси. А.Маслоунинг иерархик назарияси. Д.Магрегорнинг бошқарув стиллари назарияси. А.Пригожиннинг бошқарув ечимлари тўғрисидаги назарияси.

Классик назариялар ва ёндашувлар, замонавий назариялар, постмодерн назариялар. Аристотелизм ва нео аристотелизм. жамоатчиликнинг рефлексивлиги тушунчалари, Макинтайрнинг назарияси. “Товар-муассаса” тушунчаси ташкилий назария ва ташкилий этика. Феноменология ва ташкилий назариялар.

Ташкилотлар структуравий тузилишининг асосий белгилари. Социал ташкилот тузилишини аниқлаш: меъёрий ва далилий ижтимоий тузилишлар. Ташкилот структурасининг ижтимоий тузилиши. Ташкилот мақсадлари, уларнинг кўринишлари ва вазифалари. Мақсадлар кўринишлари: мақсадлар - ташкиллаштирилган, мақсадлар - тартиблаштирилган, мақсадлар - вазифалаштирилган, мақсадлар - йўналтирилган, мақсад - тизимлар. Ташкилий технологиялар. Ташкилотлар аъзолари. Ташкилот маданияти. Ташқи қатлам. Ташкилот типологияси

Ижтимоий гуруҳлар социологиянинг асосий тушунчаси сифатида. Ижтимоий гуруҳ тушунчаси. Ижтимоий гуруҳлар ва уларнинг асосий белгилар тўғрисида. Гуруҳларни ташкил топишига таъсир этувчи омиллар: гуруҳ хажми, гуруҳ структураси. Гуруҳ маданияти ва интеграцияси.

Социал институтлар тушунчаси. Ижтимоий институтлар кўринишлари. Ижтимоий институтларни вазифалари. Таълим, медицина, маданий институтларининг ташкил этишининг асосий хусусиятлари.

“Ижтимоий низолар” тушунчаси. Низолар классификацияси: ижтимоий низо, шахслараро ва жамоавий низолар. Иқтисодий низоларни структураси ва динамикаси. Ташкилотлардаги низолар.

“Бошқарув” тушунчаси. Ижтимоий бошқарув ва унинг асосий белгилари. Бошқарувнинг асосий даражалари: юқори қатлам, ўрта қатлам, паст қатлам. Ташкилот структурасининг асоси кўринишлари: чизикли, штабли бошқарув, бошқарувнинг моддий структураси, структурани ташкил қилиш.

Ташкилотларда назорат. Ташкилотларда назорат тушунчасининг моҳияти. Назорат тушунчаси. Назорат кўринишлари: оддий, структуравий, техник, бюрократитик. Гуруҳий нормаларга ижтимоийлашув усули орқали назорат. Ижтимоийлашув жараёнини жорий қилиш босқичлари. Гуруҳий таъсир орқали назорат қилиш. Мажбурлаш орқали назорат: куч ишлатиш, куч ишлатмасдан таъсир қилиш. Коммуникациянинг ташкилотлардаги ўрни. Ташкилотни унумли ташкил қилиш жараёнида коммуникация алоқаларини ташкил қилиш. Коммуникация жараёнинин ташкил қилишда тамойил модели Г.Лассуэлнинг модели, К.Шеннон ва У.Уиверо, В.Шрам модели, тизимлар таҳлили модели. Коммуникация каналлари: вертикал каналлар, горизонтал каналлар, расмий ва норасмий каналлар.

Ҳокимият асосий таъсир этувчи омил сифатида: куч, таъсир ва авторитет. Ҳокимият таъсири усулларининг ўзаро муносабатлари. Ҳокимият ва ижтимоий иерархия. Ҳокимият масаласидаги низолар. яширин ҳокимият классификацияси: анъанавий, легал ва харизматик.

“Бюрократия” тушунчаси. Бюрократиянинг ижтимоий табиати ва вазифалари. Бюрократиянинг тарихий кўринишлари. Бюрократия ҳақида

социологлар. Бюрократиянинг салбий ва ижобий хусусиятлари. Бюрократизм ижтимоий муаммо сифатида. Социал ташкилотда бюрократия назариясининг ўрни.

Персонални бошқариш. Персонални бошқаришнинг мақсади. Персонални бошқаришнинг вазифаси. Ходимларни режалаштириш мақсади ва вазифалари. Персонал билан ишларни бошқариш тизимида ходимларни режалаштиришнинг ўрни. Персоналлар билан ишлашнинг тезкор режаси. Персонални бошқариш тизимида кадрларни жалб қилиш ва танлашнинг ўрни. Иш ўринларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш. Таҳлил усуллари. Касбий талабларни аниқлаш ва лавозим йўриқномасини ишлаб чиқиш. Персонални жалб қилишнинг ички ва ташқи манбаалари. Жалб қилиш манбааларининг афзалликлари ва камчиликлари. Номзодларни танлаш. Танлаш усуллари: анкета маълумотларини таҳлил қилиш, суҳбатлашиш, тестдан ўтказиш.

### **Ижтимоий статистика фанидан**

Статистиканинг келиб чиқиши ва тараққиёт босқичлари. Статистика предмети ва вазифалари. Статистика ва ахборот. Маълумотлар ва уларнинг турлари. Ҳисобот ва статистика. Статистик ҳисоб турлари: оператив-техника, бухгалтерия ва статистик. Статистик қонуниятлар ва қонунлар. Статистика қонунлари табиати. Статистика кўрсаткичлари. Тўплам. Тўплам бирлиги, белгиси, вариация ва вариант. Статистика фанининг табақаланиши. Статистика усуллари: классификациялаш, сводкалаш, гуруҳлаш, турли умумлаштирувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш ва графикларни тузиш. Жадваллар тузиш.

Статистик кўрсаткич. Статистик кўрсаткичларни аҳамияти ва вазифалари. Статистик кўрсаткичлар тизими. Кўрсаткичларни турлари ва классификациялари. Статистик кўрсаткичларнинг асосий белгилари. Хатолар. Абсолют, нисбий ва ўртача миқдорлар. Кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги. Ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги боғлиқлик. Тушунчаларнинг таркибий қисмларини ажратиш. Иқтисодий статистиканинг асосий макрокўрсаткичлари. Корхоналар фаолиятининг микрокўрсаткичлари. Атроф муҳитни баҳоловчи кўрсаткичлар. Статистик кўрсаткичлар тизимининг ривожланиши.

Статистик маълумотлар тушунчаси ва манбалари. Статистик кузатиш ва унинг босқичлари. Статистик кузатиш турлари, кўринишлари ва шакллари. Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш усуллари. Статистик кузатишни ташкил этиш. Статистик кузатиш режалари ва қоидалари. Кузатиш объекти, субъекти ва бирлиги. Ценз. Умумий ва танланма кузатиш. Бош ва танланма умумлаштириш. Репрезентативлик. Тўплам бирликларини танлаш қоидалари. Тўпламни шакллантириш усуллари. Танлаш турлари: индивидуал, механик, стратифицированлашган, такрорий ва нотакрорий. Танланма кузатиш хатолари. Танлаш хатоларини аниқлаш. Танланмани етарли миқдорини аниқлаш. Баҳоларни бош тўпламга тақсимлаш.

Классификациялаш ва гуруҳлаш. Мажмуалаш. Мажмуалаш босқичлари. Ҳисобот материалларини гуруҳлашни хусусиятлари ва махсус

ташқил этилган кузатиш. Классификатор. Статистикадаги асосий классификациялашлар. Объектларни аниқ синфларга бўлиш. Номенклатура. Гуруҳлашларни асосий турлари. Гуруҳлашнинг белгилари. Гуруҳлашнинг белгиларини танлаш. Гуруҳлар миқдорини аниқлаш. Гуруҳлаш ораликлари. Атрибут ва миқдорий белгилар бўйича гуруҳлаш. Қайта гуруҳлаш. Гуруҳлаш турлари: типология, тузилмавий ва аналитик. Мухим иқтисодий гуруҳлаш ва классификациялашлар. Худудий ва тармоқ гуруҳлашлари. Таксимлаш қаторлари ва турлари. Таксимлаш қаторларини график тасвирлаш. Статистик ходисаларни график усулида ўрганиш. График турлари ва элементлари. График тузиш усуллари ва ундан фойдаланиш. Жадваллар ва жадвал тузиш қоидалари. Жадвалда эга ва кесимни аниқлаш. Жадвал тузиш тамойиллари.

Индекс тушунчаси. Индекс моҳияти. Индекслаштирилаётган миқдорлар. Индекслар вазни. Жорий ва базис миқдорлари. Индивидуал ва йиғма индекслар. Натижавий ва омилли кўрсаткичлар. Индекслаштирилаётган миқдорларни ўлчаш муаммолари. Агрегат индекслар. Ўртача индекслар: тортилган, ўртача гармоник на ўртача индекслар: доимий ва ўзгарувчан вазни борлиқлиғи. Таркибий силжишлар индекси. Худудий индекслар: вазни танлаш муаммоси ва индексларни ҳисоблаш мисоллари: ўртача оддий, ўртача геометрик. Занжирли индексларнинг ўзаро боғлиқлиғи. Таркибий силжишлар индекси. Худудий индекслар: вазни танлаш муаммоси ва индексни ҳисоблаш мисоллари. Ўртача миқдорлар кўрсаткичлар. Ўртача моҳияти ва аҳамияти. Ўртача ва нисбий миқдорлар усули. Умумий ва хусусий ўртачалар. Уртачалар ўртасидаги боғлиқлик. Ўртача миқдорларнинг камчиликлари. Статистикада ўртача миқдорларнинг асосий турлари ва шакллари. Ўртача арифметик ва уни хусусиятлари. Ўртача гармоник, ўртача геометрик ва бошқа ўртача миқдорлар. Ўртача шаклларни танлаш. Ўртача миқдорларни танлаш тамойиллари. Мода ва медиана. Вариация. Ижтимоий—иқтисодий жараёнлар белгиларининг вариацияси сабаблари. Вариацион қатор (вариация турлари). Вариацион қаторлар характеристикаси: вариацион кенглик, ўртача мутлоқ тафовут, дисперсия, ўртача квадратик тафовут. Вариация коэффиценти. Дисперсия турлари. Вариацион қаторларда ўртача миқдорни ҳисоблаш усуллари.

Динамик қаторлар тушунчаси ва турлари. Маълумотларни таққосланиши ва маълумотларни таққослаш шаклига келтириш усуллари. Динамик қаторларни тузишнинг асосий қоидалари. Динамик қаторларнинг статистик кўрсаткичлари. Қаторларнинг ўртача даражаси. Мутлақ нисбатан ўсиш. Ўсиш суръатлари. Нисбатан ўсиш суръатлари. 1% нисбатан ўсишнинг мутлақ аҳамияти. Ўртача йиллик ўсиш ва нисбатан ўсиш суръатлари. Статистикада динамик қаторларни таҳлил қилиш усуллари. Динамик қаторларни қайта ишлашнинг таҳлилий усуллари. Барқарорлик ва тебраниш. Динамик қаторда трендлар. Тренд турлари. Қаторда трендни текшириш: оралик, тебранувчан ва серияли усул, Кокс ва Стюарт мезонларидан фойдаланиш. Текислаш. Ораликларни йириклаштириш. Сирғалувчи ўртачалар. Аналитик текислаш. Мавсумий тебранишлар таҳлили. Мавсумий



тебраниш тўлқинларини ўлчаш усуллари. Динамик қаторларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш. Автокорреляция ва уни йўқотиш.

Ҳодисалар ва статистик кўрсаткичлар ўртасидаги алоқалар. алоқаларни турлари ва шакллари. Ҳодисалар ўртасидаги боғланишлар турлари ва шакллари. Алоқаларни статистик ўрганиш вазифалари. Сифатли таҳлил аҳамияти. Ўзаро алоқаларни ўрганиш усуллари: корреляцион таҳлил, баланс усули. Корреляция турлари. Жуфт ва кўп сонли корреляция. Регрессион таҳлил. Жуфт ва кўп сонли регрессия. Эластиклик коэффицентлари. Параметрик ва нопараметрик алоқаларни ўрганиш усуллари. Корреляцион-регрессион таҳлил натижаларини баҳолаш.

Аҳоли статистик тадқиқот объекти сифатида. Аҳолини характерловчи маълумотлар. Аҳоли таркиби, сони ва жойлашувини аниқлаш усуллари. Худудлар бўйича аҳоли сони, таркиби ва жойлашуви. Доимий ва мавжуд аҳоли категорияси. Демографик жараёнлар. Аҳоли ҳаракати: табиий ва механик. Туғилиш, ўлиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари. Аҳоли миграциясини ўрганиш. Миграция турлари. Аҳолининг келажақдаги сонини ҳисоблаш. Аҳоли ҳаракати истиқболлари, уни таркиби ва жойлашувининг ўзгариши.

### **Ижтимоий сиёсат фанидан:**

Ижтимоий сиёсат-ижтимоий назария ва амалиёт сифатида, унинг кўринишлари. Ижтимоий меҳнат фаолияти-ижтимоий сиёсат асоси сифатида, унинг таркибий қисмлари ва элементлари. Ижтимоий сиёсат ва иқтисоднинг ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро боғлиқлиги. Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий-иқтисодиёт, унинг энг муҳим жиҳатлари. Ижтимоий сиёсат, унинг мазмуни (объектлари ва мақсадлари). функциялари, асосий вазифалари. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий соҳалари. Жамиятнинг ижтимоий таркиби.

Иқтисодий тизим трансформацияси ва унинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш усуллари ва йўллари танлашга таъсири. Ижтимоий мобиллик тушунчаси. Ижтимоий сиёсатнинг фан сифатида предмети борасидаги баҳслар. Ижтимоий сиёсат объекти ва субъекти. Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш даражалари. Давлат ижтимоий сиёсат ва унинг ҳозирги босқичда ўзига хослиги. Ижтимоий ҳуқуқ, унинг асосий функциялари. Давлат ва давлатчиликнинг ижтимоий сиёсатни амалга оширишдаги роли. Давлатнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги конституцион бурчлари. Давлатларнинг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги халқаро мажбуриятлари. Ўзбекистондаги ижтимоий сиёсатнинг ўзига хослиги.

Ижтимоий субъект-институтларни шакллантириши-объектив зарурат эканлиги. Бирламчи ва иккиламчи ижтимоий субъектлар ва реал ижтимоий субъект-институтлар. Ижтимоий субъект-институтлар турлари: аҳолини ўз-ўзини ташкил этишнинг давлат ва нодавлат шакллари. Тоталитар демократик ва ўтиш даври жамиятларида ижтимоий субъект-институтларнинг роли ва ўрни. Ижтимоий сиёсатнинг асосий нодавлат ижтимоий субъект-

институтлари: касаба уюшмалари ва партиялар. Касаба уюшмаларининг роли ва ўрни. Замонавий ижтимоий ҳаракатлар, уларнинг анъанавий иштирок шаклларида фарқи. Ижтимоий ташкилотлар фаолиятида ижтимоий чекланган қатламлар вакиллариининг роли.

Камбағаллик тушунчаси, абсолют ва нисбий камбағаллик. Ижтимоий сиёсатда камбағаллик муаммолари. Совет даври ва ҳозирги даврда камбағаллик. Дунё тажрибасида камбағалликни баҳолаш усуллари. Камбағалликни ҳаракатчан ва турғун шакллари. Дунёда камбағаллик билан курашиш усуллари. Ўзбекистонда камбағаллик билан курашишнинг эҳтимолдаги режалари. “Камбағалларга ёрдам” ва “камбағаллик билан кураш” категориялари, уларнинг фарқи. Камбағаллик билан курашишга оид ҳукумат стратегиялари.

Ижтимоий сиёсат-давлат бошқарувининг муҳим таркибий қисми. Ижтимоий сиёсатда қўлланадиган ижтимоий башорат, ижтимоий лойиҳалаш, ижтимоий режалаштириш в.х технологиялар моҳияти. Ҳозирда амалга оширилаётган давлат ижтимоий сиёсати ва уни амалга оширишнинг қабул қилинадиган тур усуллари. Узоқ муддатли ижтимоий дастурининг етакчи роли. Ижтимоий дастур тушунчаси ва уларнинг амалиётда мавжудлиги. Стратегик режалаштириш ва унинг босқичлари. Мақсадли бошқарув – ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим воситаси. Барча дарсларда қарорлар бажарилишини назорат этиш, ижтимоий экспертиза зарурлиги.

Бандлик моҳияти. Бандликнинг меҳнатдан фарқи. Бандлик самарадорлиги тушунчаси. Ишсизлик, унинг таърифи. Ишсизлик сабаблари. Ишсизлик турлари: функционал, таркибий, даврий яширин. Кимни ишсизлар қаторига киритилади, ишсизлик кўламини ҳисоблашнинг қандай усуллари бор. Ишсизликнинг иқтисодий учун оқибатлари: миллий ва индивидуал даражада. Ишсизлик иқтисодийнинг узлуксиз ва нормал амал қилишининг муҳим шартларидан бири сифатида. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари. Турли ёшдаги одамлар ичидаги вазият. Ишсизликни қисқартиришнинг икки бош йўналиши. Ўзбекистонда ишсизлик билан кураш амалиёт.

Меҳнат бозори тушунчаси, унинг ўзига хослиги, бошқа бозор турларидан фарқи. Меҳнат бозорига оид икки концепция. Меҳнат бозори инфраструктураси, унга қўйилган талаблар. Меҳнат соҳасида воситачилик инфраструктураси.

Ривожланган давлатларидаги ишсизлик ва Ўзбекистондаги аҳвол. Бу аҳволнинг ўзбекистонликлар томонидан идрок этилиши. Ўзбекистондаги ишсизликнинг Ўзбекистондаги ишсизликдан принципаал фарқи. Муаммони ҳал қилишнинг эҳтимолли режалари. Ишсизлик коэффиценти ва уни ҳисоблаш усуллари.

### **Иқтисодий ва меҳнат социологияси фанидан:**

Иқтисодий социология фанининг ривожланиши. Иқтисодий социологиянинг илмий йўналиш сифатида шаклланишининг асосий босқичлари. Иқтисодий социологиянинг классик босқичи. Иқтисодга хилма

хил методологик ёндошувлар. Ғарб иқтисодчи ва социологларининг иқтисодий ёндашувлари. Ўрта осий мутафаккирларининг иқтисодий ғоялари. Иқтисодий социологиянинг структуравий функционал йўналиши. Янги иқтисодий социология босқичи. Иқтисодий социология - социал муаммоларни ўрганишда илмий йўналиш

